

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 26 сентябрь, № 201 (8544)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
25 сентябрь куни темир йўл соҳасини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда соаноат корхоналари кўпайиб, 110 мингга етди. 2 мингдан зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Экспорт ҳажми 1,6 баробар ошди, ўтган йили 19 миллиард долларга етди. Буларнинг натижасида мамлакатимизда юк айланмаси 30 фоизга ошган.

Маълумки, Ўзбекистон каби дунё океанларига тўғридан тўғри чиқиш имкони йўқ мамлакатлар учун энг қулай ва арзон транспорт бу темир йўл ҳисобланади. Лекин ҳозир ички бозорда маҳсулотнинг атиги 5 фоизи, экспортда эса 45 фоизи поездда ташилляпти. Яъни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти автомобилда юк ташишга рақобат қила олмапти.

Чунки соҳа узоқ йиллар ислоҳ қилинмади, замонавий бошқарув тизими жорий этилмади. Шу билан бирга, халқаро майдондаги вазият ҳисобиغا транспорт-логистика харажатлари ҳам ошган. Оқибатда жамиятнинг даромади ҳам, хизматлар сифати ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Жумладан, вагонлар етишмовчилиги ва уларнинг қўллари эскирганлиги айбти ўтилди. Ҳозирги тарифлар ва бошқарув тизими билан соҳага хусусий сектор кириши қийин. Аксарият станцияларнинг даромади ўз харажатини қопламайди. Рақамлаштириш даражаси пастлигига қарамай. Вокзалларда савдо ва сервис лозим даражада йўлга қўйилмаган. Хавфсизлик ваҳи билан марказий вокзалларга кириб чиқиш имконияти чекланган. Автотурарголар узоқ жойлашгани, чипта сотишдаги коррупция, вагонлардаги шариот ва хизматдан аҳоли норози.

Шулар қайд этилар экан, йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Унга қўра, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятини холдинга айлантириб, замонавий бошқаруви жорий қилиш, инфратузилма, юк вагонлари ва логистика, йўловчи ташвиш хизматлари ҳамда вокзаллар бошқаруви бир-биридан ажратиб, алоҳида корхоналар ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу так-

лифларни маъқуллаб, соҳадаги самардорликни ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди. Бухгалтерияни шиффо қилиб, корхоналарга давлат кафолатисиз инвестициялар ва хорижий экспертларни жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада хусусий сектор учун жозибадор тарифлар шакллантирилиши, тadbиркорларнинг вагон сотиб олиши учун кредитлар ажратилиши белгиланди. Шунингдек, марказий вокзаллар атрофида замонавий савдо мажмуалари қуриш мумкин бўлади, вокзаллардаги жойлар ижара учун аукционга чиқарилади. Темир йўл станциялари атрофида бўш жойлар аниқланиб, логистика хизматлари ва ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилади.

Рақамли технологиялар вазири билан биргаликда “ягона дарча” тамойили орқали юк ҳужжатларини электрон расмийлаштириш, вагонларга GPS ўрнатилган ва онлайн омбор ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

“Ўзбекистон темир йўллари”нинг соҳавий активларини қайта кўриб чиқиш, уларни сотишдан тушган маблағларни темир йўл инфратузилмасини яхшилашга йўналтириш муҳимлиги таъкидланди.

Поездларнинг катта қисми пойтахт ва вилоят марказларига кириб бериш оқибатида станцияларда тирбандлик қўқори бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис юк станцияларини шахарлардан ташқари қўқорини имкониятини ўрганиш зарурлиги қайд этилди. Бу шахарларда юк машиналари харакати камайишига, туманларга қўшимча инвестиция киришига хизмат қилади.

Транспорт прокуратурасига барча темир йўл кесимларини тартибга олиб, фуқаролар ва харажат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

Ходимлар малакаси, хизматлар сифати масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги ислохотлар орқали аҳоли ва тadbиркорларни рози қиладиган тизим яратиш зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

ОЧИҚ ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ

Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳида Бош Ассамблея 78-сессиясининг умумий мунозаралари бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари глобал ва минтақавий кун тартибидagi энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Дунёда ишонч ҳамда ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва моjarолар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплай таҳдидлар кўчади. Иқлим ўзгариши, сув ҳамда табиий ресурсларнинг етишмаслиги, пандемиянинг иқтисодий-иқтисодий оқибатлари, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози каби замонавий муаммолари барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдирмақда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзаро ишонч, адолат ва ҳамжихатлик талаб глобал миқёсда тобора ортиб, шу муносабат билан очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб қилинмоқда.

Бундан ташқари, радикализмнинг ўсиб бориши хавфи тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик таъшилотларга жалб этилишига йўл қўймастик, турли носоглом мафқураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, кўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегия доирасида бир масалага муҳим аҳамият берилди, у ҳам бўлса, илгари экстремизм гоғларни таъсирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва жамиятга мослаштириш масаласидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шу давргача беш марта “Меҳр” инсонпарварлик миссияси ўтказилди. Унинг доирасида 530 дан зиёд фуқаролар, аввало, аёллар ва болалар йқин

Шарқдаги қуролли низолар ҳудудларидан юртимизга қайтарилди. Уларнинг барчасига тиббий, психологик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Президент таъкидлаганидек, БМТга аъзо давлатлар халқаро терроризм каби умумий таҳдидларга қарши курашда янада бирлашиб, ҳаракат қилишлари керак. Шу ўринда хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этиши бугунги куннинг долзарб масаласидир. Миллий сиёсатимиз марказида турадиган энг эзгу мақсад — оилалар мустақамлигини, аёллар ва болаларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат.

Жамиятимизда давлат раҳбарининг алоҳида ташаббус ва эътибори билан хотин-қизларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Юртимизда хотин-қизларнинг ўз иқтидорини намойён қилиши, қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароит мавжуд. Айниқса, уларни ўқитиш, билим-ли қилиш, касбга ўргатиш орқали жамиятда иқтисодий эркинликка эришишини таъминлаш устувор вазифа сифатида қаралаяпти.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Ва Афғонистонни ўз муаммолари билан яна ёлғиз қолдириш — бу катта хато эканлигини қайд этди. Инкор қилиш, яққал қўйиш ва санкциялар қўлаш оддий афғон халқининг аҳолини янада оғирлаштиради. Шу маънода, Президент дунё ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлашишга ва бу борада БМТ раҳнамолигида Афғонистон бўйича биргаликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ҳамда конструктив позицияни белгилашга чақирди.



ҲЕЧ КИМ ЎЗ ДАРДИ БИЛАН ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСИН

Дунё кун сайин шиддат билан ўзгармоқда. Бир ёқда экологик буҳронлар, глобал иқлим ўзгаришлари, бошқа томонда геосиёсий зиддиятлар, учинчи томонда диний тоқатсизлик кўринишлари авж олиб, ўзаро низолар кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатларнинг барқарор ривожланиши нияҳтда қийин тус олди.



Энг ачинарлиси, уруш ўчоғига айланган, қуролли тўқнашувлар кузатилаётган, ички муаммоларига ўралашиб, ўз дарди билан ёлғиз қолаётган мамлакатларда, асосан, тинч аҳоли жабр кўрмоқда. Бу ҳудудларда таълим тизими издан чиққан, одамлар, айниқса, болалар очликдан азоб чекаётганини ҳеч бир баҳонага сабаб билан оқлаб бўлмайди. Шу боис тинч ва барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатларнинг чин вазифаси уларга ёрдам қилини қўйиш, ўзаро муроса йўлини топшида берад қўлақлашиш бўлиб қолаётди.

Аллақачон инсоният учун ҳаётни даъватга айлиб улгурган бу қарашларни БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида Ўзбекистон

тўсиқ бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни ҳам қўя турмайлик, жафоқаш афғон халқининг қарийб ярим асрдан буён мудом талатўплар орасида яшаётганича?! Неча-неча авлодлар бу дунёни фақат қўрқув ва уруш алангаси сифатида кўриб ўлғайди. Оналар фарзанди очликдан ёки дайди ўқдан ўлмасин учун, уларни ёт беғоналарга сотишга мажбур қолмоқда.

Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридан яна бир бор афғон масаласини кўтаргани замбирдан ана шундай аянлик манзараларга чиқибди. Буларнинг қарийб нукта қўйиш мақсади бор. Қолаверса, халқаро минбарларда ҳар сафар бу масалага такрор ва такрор эътибор қаратаётган Шавкат Мирзиёев янги ва туб ислохотларга муҳтож бугунги дунёвий муносабатларга янги қарашларини акс эттирди.

“Афғонистонни ўз муаммолари билан яна ёлғиз қолдириш — бу катта хато бўлади”, деди ва нима учун шундайлигини ҳам изоҳлаб ўтди.

Унга қўра, биринчидан, замонавий дунёда вақт ва масофа билмайдиغان зиддиятчи тўқнашувлар, қуролли моjarолар халқаро хавфсизликка бир зумда таъсир қилмасдан қолмаяпти. Шундай экан, Афғонистонда юзага келган янги вазият бу мамлакатда тинч ва барқарор муҳитни тиклаш учун қулай имкониятдир.



Сенат ялпи мажлиси олдидан

МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТҚАЗИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида бир қатор қонунлар ҳамда бошқа долзарб масалалар кўриб чиқиши режалаштирилган. Кеча ўтказилган парламент юқори палатаси қўмиталари йиғилишларида мазкур масалалар дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.

Ўта оғир жиноят содир этмаган ўспиринлар ҳаётини қайтадан бошлашга имконият берилади

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида “Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини” Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга доир давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини

таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат билан ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Шунингдек, қонунда вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклашнинг ҳамда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам муддати олти ойдан бир ойгача қисқартирилиши назарда тутилди.

Ушбу қонун вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигини янада либераллаштиришга хизмат қилади ва ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсга ҳаётини судланганлик тамғасидан холи тарзда давом эттириши учун шароит яратди.

Статистик рақамларга қўра, мамлакатимизда 2021 йилда 1 минг 472 на-

фар вояга етмаган шахс судланган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 2 минг 116 нафарга етган. Ўтган 2022 йилда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар 389 та, уна оғир бўлмаган жиноятлар сони эса 510 тани ташкил қилган.

Мазкур ҳужжатнинг маъқулланиши юзлаб ёшларга ҳаётини қайтадан бошлаш, жамиятда ўз ўрнини топши, оиласига, маҳалласига, жамиятга фойда келтирадиган инсон бўлиб қолмоғига етишига имкон беради.

Солиқ, бюджет ва ер тўғрисидаги нормалар тақомиллаштирилмоқда

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида “Солиқ ва бюджет қонунчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.



Қонунчилик палатаси фракцияларида

ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯМИЗГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Уларда дастлаб ўтган ҳафтадаги муҳим сиёсий воқеликлар — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи, БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқи, тadbир доирасида АҚШ ва Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари саммитида иштироки, хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан ўтказган учрашувларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимиз халқаро муносабатларда фаол ташки сиёсатни йўлга қўяётгани ва бу халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг тарихий нутқида илгари суртилган таклиф ва ташаббуслардан келиб чиқиб, партиялар, уларнинг фракциялари олдидан турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, парламент қўйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муфассал кўриб чиқилди. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокамаларга сабаб бўлган ҳужжатлардан бири бўлди.



Сессия

Куз-қиш мавсуми:

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МУҲОКАМАСИ

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгагининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан куз-қиш мавсумига тайёрларлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини “яшил” энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан Навоий шаҳар ҳокими Д. Эргашев ҳамда ҳокимнинг биринчи ўринбосари У. Ҳақбердиевнинг ҳисоботлари эшитилди. Ҳисоботларда шаҳарда кўп қаватли уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида 78 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, 34 та кўп қаватли уй-жойнинг 46 минг кв. метр қисми, 37 тасининг ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари, 11 тасининг эса фасад қисми таъ-

мирлангани ҳақида ахборот берилди.

Бундан ташқари, аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида учта маҳалла фуқаролар йиғинига 15,8 км. электр тармоғи тортилган. Шунингдек, электр узатиш тармоғи таянчлари янги-сирга алмаштирилиб, аҳолининг электр энергияга бўлган талаби қундан-кунга ортиб бораётганини инобатга олинган ҳолда янги трансформаторлар ўрнатилган.



Йиғилиш

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Самарқанд шаҳридаги “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази ҳудудидаги конгресс-ҳоллда Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.


Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиков очди. Анжуманда Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон касаба уюшмалари раҳбарлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг таълим вазири ва збеллари, жамоатчилик ва илмфан номояндалари, шунингдек, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳудудий кенгашлари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур анжуман қатнашчиларини, умуман, халқларимизни жуда катта ва узоқ ўтмиш, бебаҳо умуммерос бирлаштириб туради. Кейинги йилларда туркий давлатлар ўртасидаги алоқалар янада мустақамланиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотини саммити туркий дунёни янада яқинлаштириш ва улкан саложиятини тўлиқ ишга солишда муҳим роль ўйнади.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилишида ана шу умумий тарихни ҳамда бугунги даврдаги ўзаро алоқаларни ўзида акс эттирган видеоролик намойиш қилинди.



Осиё ўйинлари



СПОРТЧИЛАРИМИЗ ВАТАН ШАРАФИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

Шу кунларда Хитойда XIX ёзги Осиё ўйинлари бўлиб ўтаёттир. Қитъамизнинг мазкур нуфузли мусобақасида 350 нафардан ортиқ ўзбекистонлик спортчилар совринли ўринлар учун беллашмоқда. Ҳамюртларимиз қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида Ханчжоу шаҳридан муҳбиримиз хабар қилади.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, ушбу беллашуларда атлетлар 40 та спорт турининг 61 йўналишида нафақат медаллар, балки келгуси йили Парижда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун ҳам кураш олиб боришмоқда. Айни шу жиҳат ҳар бир беллашув-

нинг мурасис ўтишини таъминлаяпти.

23 сентябрь куни Ханчжоу шаҳрида XIX ёзги Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Музаффарбек Тўрабоев ҳамда қиличбозлик бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони Зайнаб





ОЧИҚ ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ

Шунингдек, давлатимиз раҳбари нуфузли минбардан туриб Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқиш таклифини олға сурди.

Биламизки, ўзбек ва афғон халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келди. Бизни маданий, маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин ва буюқ аждодларимизнинг мероси бирлаштириб туради.

Таъкидлаш керакики, Амударёнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу боис ҳам Президентимизнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 25-26 июль кунлари "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Мазкур анжуман Афғонистонда гуманитар инқирознинг олдини олиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни тиклашга қўмақлаштириш, кўп миллатли афғон халқи ва бутун дунё мавзада йўлида ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнига тортиш мақсадида уюштирилган эди. Унда илк бор Марказий ва Жанубий Осиё, Европа, Америка, Яқин ва Урта Шарқ, Осиё — Тинч океани минтақаларидаги Афғонистонда барқарорликни тиклашга бевосита жалб этилган йигирмадан ортқ давлатларнинг Афғонистон бўйича махсус вакиллари, ўнлаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси бир майдонда жам бўлган эди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Марказий Осиёнинг дунёга очкилиги — минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим шартга айланмоқда, дея таъкидлади. Хусусан, таҳдидларга қарши самарали курашини фақат бир-галликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин. Хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратилган воз кечини, "яқлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарур.

БМТ минтақавий хавфсизлик муаммосини, аввало, превентив дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишда муҳим ўрин тутиши лозим. Шунингдек, МДҲ, ШХТ, ЕХТТ ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш давр талабидир. Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувиди ҳам хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Унда давлат раҳбари хавф-хатарларга самарали қарши туриш имкониятини кўп қиррали шериклики чукурлаштиришга қаратилган қўша савий-ҳаракатларни бирлаштиришга боғлиқ, дея таъкидлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон БМТ институтлари ва барча давлатлар билан кенг қўламли ва узоқ мuddатли шериклики чукурлаштиришга тайёр. Бу эса ҳар қандай соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Кутубидан БУРҲОҶОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯМИЗГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Кўнун лойиҳасига масъул кўмита — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Шербек Бўроновнинг қайд этишича, Олий Мажлис палаталари фаолиятини тартибга солувчи қонунларни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш, шунингдек, замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқарувини шакллантириш мақсадида Қўнунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан 13 та қонун ва битта кодексга тегишли ўзгартариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда кучли парламент, ихчам ва масъулятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилган бир қатор янги нормалар ўз аксини топди. Парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, Қўнунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Шу нуктаи назардан, таклиф этилаётган лойиҳага кўра, Сенатнинг ваколатлари янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилмоқда. Жумладан, Сенат аъзолари ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан 4 нафардан сайланиши, 9 нафари Президент томонидан тайинланиши (жами 65 нафар) белгиланяпти. Доимий асосда ишловчи сенаторлар сони амалдаги 25 нафар микдорда сақлаб қолинаётёр.

Шунингдек, Қўнунчилик палатаси кўмиталарига Ҳукумат аъзоларининг ҳисобот-

лари ва давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституция нормаларини сўзсиз амалга оширишга хизмат қилади. Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини берди.

Ўзбекистон "Миллий тилканиш" демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳасидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратишди. Жумладан, лойиҳага кўра, Сенатнинг айрим ваколатлари бекор қилиниб, Қўнунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари сифатида белгиланяпти. Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш, Президентнинг тақдимига биноан Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Бош вазир, Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини эшитиш ваколатлари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Қўнунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари сони 7 тадан 2 тага қисқартирилмоқда. Бунда Спикернинг ўринбосарлари фракция аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда лавозимда бўлиш даврида сиёсий партиядаги аъзоликни тўхтатиб туриши белгиланмоқда.

Лойиҳадаги ушбу нормалар фракция аъзоларининг қизгин мунозараларига сабаб бўлди. Айрим депутатларнинг фикрича, фракция раҳбарларининг ҳозирда Спикер ўринбосари лавозимда фаолият юритиши кейинчалик ҳам қолдирилиши

кўлаб-қувватлангани Афғонистондаги мавжуд вазиятни барқарорлаштиришга бўлган умид куртакларини уйғотмоқда.

Дунёдаги вазият яна бир томондан мураккаблашиб бормоқда. Бу диний тоқатсизлик, исломофобия кўринишларида акс этаётёр.

БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида давлатимиз раҳбари эътиборидан бу муаммо ҳам четда қолмади.

Сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмаслигини қатъий таъкидлаган давлатимиз раҳбари "Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ҳояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни таклиф қиламиз", деди.

Бу таклиф замирида жуда муҳим ҳаётий тутумлар ўрин олганини

англаш қийин эмас. Боиси айнан диний муносабатларда зиддиятли қарашлар бошқа иллатларга кенг йўл очмоқда. Булар диний экстремизм, ёшлар радикаллашувига йўл берилаётгани каби кўринишларда намоён бўла бошлаганига ҳам анча бўлди. Лекин ҳали ҳам кеч эмас. Чунки бугун бундай ёвуз ва бир томонлама қарашлардан кўз юмилса, ёшлар таълим-тарбияси ҳамда интилишлари билан қизқимасак, эртага вазият янада чигаллаша бошлайди ва буткул издан чиқиб кетади.

Шу маънода, Президентимиз таклиф қилган ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро маркази жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ҳояларини кенг тарғиб этиш мақсадидаги хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи муҳим жиҳат — динлараро бағрикенгликни кенг тарғиб этиш. Шу ўринда таъкидлаш керакики, дунёдаги ҳеч бир дин ёвузликни,

адолатсизлик ва муросазликни тарғиб қилмайди. Уларнинг барчаси, аввало, инсонларни тотувлик ва меҳр-оқибат билан яшашга ундайди.

Президентимиз БМТ минбариди яна бир муҳим қарашни илгари сурди. Бу Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги кўриниши билан боғлиқ.

"Марказий Осиёнинг дунёга очкилиги — минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим шартга айланмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига хошликни англаш туйғуси бирлаштирмоқда ва бу туйғу тобора кучайиб бормоқда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажакимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас", деди давлатимиз раҳбари.

Бу фикр минтақамиз давлатлари мустақилликини қўлга киритгандан бунён ўтган даврда дунё минбаридан туриб айтилган илк дадил ва қатъий сиёсий иродали позиция бўлди, дейишга ҳар томонлама ҳақлимиз.

Шу маънода, Марказий Осиё давлатларининг аҳилликда, ҳамжиҳатликда ва бирдамликда ривожланишга қиришгани халқаро миқёсда ҳам эътироф этилиб, бу минтақамиз халқлари учун янги бир давр бошланаётганидан далолат беради.

Муҳтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан айтган фикрлари ва таклифларига дунё жамоатчилиги ҳали кўп бора мужожаат этади, мушоҳада қилади. Бунга асосларимиз ҳам бор. Зеро, бу нутқ одамларнинг қалбидан, тафаккуридан чукур жой олганида ҳам намоён.

Маҳмуджон БОЛТАБОВЕВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини ректори, профессор.

МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Таъкидланганидек, Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва Бюджетномани Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис палаталарига киритиш мuddати аниқ белгиланмоқда. Бюджет жараёнининг очкилигини таъминлаш мақсадида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиёлаштириш бўйича маълумотларни ўз расмий веб-сайтлари, шунингдек, "Очиқ бюджет" ахборот порталига жойлаштириб бориши Бюджет кодексига акс эттириляпти.

Шунингдек, ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасига бегараз ёрдам доирасида келган тиббий асбоб-ускуналардан пуллик хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиш имкони яратилмоқда. Бундан ташқари, бюджет ташкилотларига ижарага берилган ер участкаларидан солиқ ундириш ва тўлаш тартибини, фойдаланилаётган бинолар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкаларига нисбатан тегишли солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш тартиби бекор қилинмоқда.

Сўнгра "Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу қонун ҳам олиб борилаётган ислохотларга ҳамоҳанг бўлиб, ўзгаришнинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи, ер ижараси билан боғлиқ муносабатларни ва хусусийлаштирилган ер участкаларига оид қондаларни такомиллаштиришга қаратилган қатор нормаларни ўз ичига олади.

Қонунда ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бирга ижарага берувчининг розилиги асосида бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкинлиги белгиланмоқда. Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахслар томонидан электрон онлайн-аукцион орқали олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар

бошқа шахсга ижара мuddатидан ошмаган мuddатга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) мумкинлиги кўзда тутилган.

Сенаторлар қонун билан ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, уларни муҳофиза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар бартараф этилаётганлигига эътибор қаратишди.

Хусусан, ушбу кўриб чиқилаётган қонунда ўзгаришнинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи, яъни сервитут белгиланган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтган тақрида ҳам сервитут сақлаб қолиниши, сервитут олди-соти, ҳада, гаров ёки ижаранинг мустақил предмети бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Сервитут белгиланиши ер эгасини, ердан фойдаланувчини, ер участкасининг ижарачисини ва мулкдорини ушбу ер участкасига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги кўзда тутиляпти.

Касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг мажлисида "Педагогнинг маккоми тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқишда педагогларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, улар фаолиятининг асосий кафолатлари, педагогларнинг ўз касбий фаолиятини юритиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни, уларга муносиб ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ўқув-чининг шаъни ва қадр-қиммати, шунингдек, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишни белгилаб берувчи меъёрларга алоҳида эътибор қаратилади.

Таъкидланганидек, мазкур қонунда педагогнинг ҳар қандай шаклда маъмурий тарзда мажбурлашга, уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда тўсқинлик қилишга

йўл қўйилмаслиги аниқ белгиланган. Шунингдек, сенаторлар ер муносабатлари, фармацевтика саноати соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш, республиканин Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик кодексларида ўзгартриш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

Педагогларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеи оширилади

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасида дастлаб "Педагогнинг маккоми тўғрисида"ги қонун сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгашлар котибиятлари мудирлари ҳамда соҳа мутахассислари диққат марказида бўлди.

Қайд этилганидек, ҳужжат билан педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари белгиланмоқда.

Мазкур қонун асосида педагогларнинг ўз касбий фаолиятини юритиш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади ҳамда мамлакатимизда педагогнинг маккоми тан олинади. Ушбу ҳужжат ўқувчи ва муаллимларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини оширишга хизмат қилади.

Муҳокама жараёнида қонун нормалари билан бирга педагоглар маккомини ошириш, уларнинг моддий таъминоти даражасини ўстириш юзасидан қилинган бир қатор аҳамиятли ишларга ҳам эътибор қаратилади. Жумладан, сўнгги йилларда педагог ходимларнинг иш ҳақи микдорлари бир неча марта оширилгани, алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юкларлари мақбуллаштирилгани ҳам айтиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат кўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Куз-қиш мавсуми: АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МУҲОКАМАСИ

Сессияда депутатлар ижтимоий соҳа объектилари ва бошқа тоифадаги истеъмолчиларга зарур микдорларда энергетика ресурсларини етказиб бериш бўйича мунтазам равишда маҳаллаб тизимда ўрганишлар олиб бориш лозимлигини қайд этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектилари "яшил" энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш масаласига шаҳарда устувор аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, ижтимоий соҳа ва давлат ташкилотларига 2 940 кВт кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 4 776 кВт ўрнатилган ва режа 163 фойзага бажарилган. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар ҳамда аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатиш ишлари ҳам олиб боришмоқда.

Сессияда маҳаллий Кенгаш депутатлари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз муносабатларини билдирди. Хусусан, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Бекзод Улунғазаров қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш имкониятларини яратиш, электр йўқотишларни камайтириш, "темир дастар"га киритилган эҳтиёжманд оилаларга маҳаллий бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилишини таъминлаш,

маъмурий-маиший бино ва иншоотларда, жумладан, аҳоли массивлари ва хонадонларда муқобил энергия манбаларини қўллаш бўйича манзилли чораларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда депутатлар томонидан берилган саволларга тегишли раҳбарларнинг жавоблари эшитилди.

Сессияда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ҳамда қўйи палатанинг бир қатор депутатлари иштирок этди.

Кун тартибидидаги масалалар бўйича халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу кун Навоий шаҳар Кенгаши депутатлари, маҳаллий партия ташкилотлари фаоллари иштирокида ўтказилган семинарда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли, фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, бунда улар фаолиятини яқиндан қўмақлаштириш, партия гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, доимий комиссиялар ишини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикрлашилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи, унда илгари сурилган ташаббуслар, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мазмун-моҳияти, унда белги-ланган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Табиат

КОРҲОНАНИНГ ЖОЗИБАДОР БОҒИ

Бир неча ойдики, бухороликлар ҳамда вилоятга келаётган меҳмонларнинг Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги маҳсули бўлган "Bukhara-Varnet" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонадан қадами узилмай қолди. Бу — ушбу корхонада ўқшати йўқ "Ботаника боғи" барпо этилгани билан боғлиқ.



Иссиқхона хўжалиги соҳасида вилоятда энг зарбдор тадбиркорлик субъекти саналган, "Бухоро — агро" эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган бу корхонанин боғи жозибадорлиги билан кўпчиликни ўзига оҳанрабодек тортмоқда.

Бухоро туманидаги мазкур корхона масъулларининг билдиришича, сўлим гўша 5 гектар майдонни эгаллаган. Ойнаванд далаларда 50 турдаги гувлар, папая, авокадо, банан каби мевали дарахтлар бор.

Дарҳақиқат, эртақларда тасвирланган Боғи эрамни эслатувчи, кишин-ёзин ям-яшил бу масканда мириқиб ҳордик чиқариш, мусаффо ҳоводан тўйиб баҳраманд бўлиш учун барча қўлайлик муҳайё этилган. Ушбу лойиҳа шарофати билан корхонада 100 та янги иш ўрни яратилганини айтмайсизми?!

— Боғ таърифини эшитиб, болажонларимиз учун шу масканга сабаҳат уюштирдик, — дейди Ромитан тумани "Хоса" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Кичкинтой" нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг тарбиячиси Назира Бақоева. — Кўриб турганингиздек, улар бу ерда ростманасига яйрашяпти. Асосий мақсадимиз болаларни табиат гўзалликларидан баҳраманд этишига эмас, балки уларни ҳар бир гўшад, дов-дарахтни асраб-авайлашга ўргатишдан иборат.

Нозик дид билан барпо этилган ҳовулларда сузиб юрган бақилқар, ноёб қушлар, шаршарасимон отилиб турган сувлар масканга ўзгача файз бериб турди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).